



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 21 май, № 103 (7333)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 21 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида пойтахтнинг ийрик ишбилармонлик марказига айлантириш, инвестицияларни фаол жалб қилиб, замонавий корхоналар ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаган эди. Шунга мувофиқ, жорий йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантиришга тўғриватган тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда пойтахтимизда кичик саноат зоналари ва технопарклар инфратузилмасидан самарали фойдаланиб, юқори технологияли қувватларни ташкил этиш, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича изчил ишлар даватимиз раҳбарининг доимий эътиборида турибди.

13 май куни Президент ҳузуринда бўлиб ўтган йиғилишда ҳам тўғриватган тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда Тошкент шаҳрида замонавий саноат корхоналари ташкил этиш ишлари таҳлил қилинган эди.

Аввал берилган топшириқларга мувофиқ, Тошкент шаҳрида амалга ошириш учун умумий қиймати 617 миллион АҚШ долларида зиёд 19 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу лойиҳаларнинг барчаси саноат соҳасига оид бўлиб, улар ижроси натижасида 10 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Ҳар йили қарийб 1 миллиард долларлик бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 290 миллион доллардан зиёд экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Лойиҳалар қўшимча қиймати

ва маҳаллийлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Кенг турдаги маиший техника, лифт ва эскалаторлар, насослар, сувсифтичилар, қоғоз, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший кимё воситалари, заргарлик ва шиша буюмлари шулар жумласидандир.

Инвесторлар ва ташаббускорлар ўз лойиҳалари юзасидан тақдимотлар ўтказди. Ушбу корхоналар Тошкент механика заводининг ҳозирги кунда фойдаланилмаётган бино ва майдонларида ташкил

этилади. Улар 2019-2020 йиллар давомидда ишга туширилади.

Президентимиз ушбу лойиҳалар шаҳарнинг мавжуд инфратузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатинда муҳимлигини таъкидлаб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берди. Мугасадди-ларга харидоригир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати каммида 1 миллиард доллар бўлган қўшимча лойиҳалар шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Яйловлар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 2 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.
Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилаган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Яйловлар

Яйловлар қорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табиий қопламга эга ерлардир.
Яйловлар умумийлиги бойлик бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Яйловлар чўлдаги, ярим чўлдаги, тоғ олдидаги, тоғдаги ва текисликдаги, сув билан таъминланган ҳамда сув билан таъминланмаган яйловларга ажратилади.

Тоғдаги яйловлар мавсумий бўлиб, улардан йилнинг фақат муайян вақтида фойдаланилади.

2-боб. Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солиш

4-модда. Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:
давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;
яйловларни сақлаб қолишга қаратилган қоидалар, нормалар ва нормативларни белгилаш;
давлат назоратини амалга ошириш;
яйловлардан оқилона фойдаланишни, уларни муҳофаза қилишни, такор қўлайтиришни ва тиклашни таъминлаш;
илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш;
халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

5-модда. Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари амалга оширади.

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси;
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

яйловларни фойдаланиш учун бериш тартибини тасдиқлайди.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

яйловларда пичан ўриш ва қорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда мuddатларини тасдиқлайди;

юрдик ва жисмоний шахсларга яйловларни фойдаланиш учун беради;

яйловлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича қоралар кўради;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг яйловлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси: яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

яйловларнинг ҳолатини яхшилаш, улардан фойдаланишни прогноз қилиш ва истиқболли режалаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади;

(Давоми 2-бетда).

Кун иқтибоси:

Кристин ЛАГАРД,
Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори:
«Мен Ўзбекистондан кетишдан олдин иқтисодиёт ва молияни ўрганаётган талабалар билан учрашдим. Ўзбекистонни нега шу қадар порлоқ келажақ кутаётганининг асл сабаби ҳам мамлакатнинг мана шундай ёшларидир»



Дунё нигоҳи

«Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватламоқда»

Ўтган ҳафта Тошкентда ўтказилган Москва давлат халқаро муносабатлар институти (МДХМИ) битирувчиларнинг V халқаро форуми Россия оммавий ахборот воситаларининг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Хусусан, «Россия 24» телеканалда тайёрланган репортажда Ўзбекистон пойтахтига дунёнинг

32 мамлакатидан МДХМИни битирган 450 дан ортиқ ҳукумат, парламент аъзолари, сиёсатчилар, дипломатлар, йирик хорижий компаниялар раҳбарлари ва институт вакиллари келгани қайд этилди.

«Бу йил Россиянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири учун алоҳида аҳамиятга эгадир.Zero, институт 75 йиллик юбилейини нишонлайди ва Ўзбекистон пойтахтида унинг биринчи филиали очилади», дея таъкидлайди телеканал мухбири.

Ўз навбатида, «Первый канал» форум иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг йўллаган табриги ўқиб эшиттирилгани маълум қилди.

Тадбир доирасида халқаро хавфсизлик, иқтисодиёт ва бошқа глобал аҳамиятга эга масалалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, МДХМИнинг Тошкентдаги филиали тақдимоти бўлиб ўтди. Жорий йилнинг сентябрь ойидан ушбу муассаса биринчи талабаларни қабул қилади. Бу МДХМИнинг илк тўлақонли, ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган филиали бўлиб, унда «Первый канал» мухбирларининг қайд этишича, Ўзбекистонда талаб мавжуд бўлган мутахассислар тайёрланади.

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЗАРГАРЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатда маҳаллий заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш бўйича изчил саяё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлардан фойдаланиш имкониятини берилиши ишлаб чиқарилаётган маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш имконини яратди.

Шу билан бирга, соҳада тизимли камчилликларнинг мавжудлиги инвестицияларни фаол жалб қилиш, сифатли заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва янгиликларни ташкил этиш, ушбу маҳсулотлар экспортни кенгайтиришга тўқинлик қилиб, тармоқ ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сифатли ва рақобатбардош заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, рақобатбардош ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш, шунингдек, республика заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг 2019 йил 1 июлда бошлаб қўйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги қарорлари маъқуллансин;
заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатдан ўтказилган шахсий тамғасини буюмга бошиқ шарт билан давлат асиллик даражаси белгисини мажбурий равишда қўймасдан ўзи ишлаб чиқарган, заргарлик ҳамда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларнинг (кейинги ўринларда — заргарлик буюмлари) асиллик даражасини мустақил белгилаш ва уларга белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси

изларини қўйиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда тамғалаш ва асиллик даражаси белгисини қўйиш тартибини бузган ҳамда кўрсатилган намунага мувофиқ келмайдиган заргарлик буюмларини сотувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар заргарлик тармоғидаги ноҳалол тадбиркорлик субъектлари реестрига киритилади, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган, шу жумладан, лицензия ёки рухсат бевучи бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиш бўйича таъсир чоралари қўлланилади;

заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган яққа тартибдаги тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни мустақил равишда чакана тартибда сотиш, шунингдек, аҳолидан қимматбаҳо металл парчалари, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмларни ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олиш ҳуқуқига эга;

(Давоми 2, 3-бетларда).

Эксклюзив интервью

«Барча саяё-ҳаракатлар иқтисодиётни раванқ топтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 16-17 май кунлари Андижон вилоятида бўлиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш асосида келгуси вазифалар юзасидан аниқ кўрсатмалар берди. Давлатимиз раҳбари бундан олдинги сафарлари чоғида ҳам вилоят мугасадиларига муҳим топшириқлар берган эди. Ўтган вақт мобайнида ана шу вазифалар қай даражада ижро этилди? Ҳудудда олиб борилаётган ишлар қандай самара берапти? Мухбирларимиз шу каби саволлар билан Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмоновга муурожаат этди.

— Шухратбек Кушқабиевич, Президентимиз 2018 йил 19-20 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида бир қатор энг долзарб вазифаларни белгилаб берганди. Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, айтиш керак, давлатимиз раҳбарининг мамлакат ҳудудларига қилаётган сафарлари фуқароларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш, иқтисодиётни ривожлантириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини жадаллаш-

тиришга жуда катта туртки бермоқда.

Шавкат Мироновиқнинг ўтган йилги ташрифидан сўнг амалга оширилган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, «Боги Бобур» маданият ва истироҳат боғидаги Заҳриддин Муҳаммад

Бобур ҳайкали, рамзий қабри, Бобур ва жаҳон маданияти музейида қурилиш, ободонлаштириш тадбирлари бажарилди, дам олиш маскани янгича қиёфа касб этди.

4

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУКУМАТ ДАВЛАТ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛАРГА ИЛК БОР ҲИСОБОТ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномасида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш баробарида, Бош вазир ва Ҳукумат аъзолари Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан Олий Мажлис палаталари олдида ҳар чоракда ҳисобот бериб бориши белгилаб берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, мазкур янги институтни амалиётга татбиқ этиш ишлари бошланди: 2019 йил 18 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида илк бор Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» да амалга

оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорагида бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Ҳисоботни Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳакимов тақдим этди.

Ҳисоботда келтириб ўтилганидек, Президентимиз ташаббус билан яратилган Мамъурий ислохотлар концепциясини изчил амалга ошириш баробарида, Вазирлар Маҳкамасининг

ташкिलий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, фаолияти янги мазмун билан бойитилгани, йирик ҳўжа-лик бошқаруви субъектларида корпоратив бошқаруving замонавий усуллари жорий этилгани Ҳукумат томонидан Давлат дастурининг биринчи чорак учун белгилаган устувор вазифаларини ўз вақтида, сифатли ижро этилишини таъминлашда муҳим омил бўлди.

3



ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мазкур палатанинг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, жумладан, унинг ислохотларнинг янги босқичида, бугунги туб ўзгаришлар шароитида самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган. Парламент қўйи палатасининг аввалги мажлисидаги қизгин муҳокама-ларда сиёсий партиялар фракциялари, Экоҳаракат депутатлик гуруҳи,

қўмиталар ҳамда алоҳида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг қоида ва нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган тақлифлар, фикр-мулоҳаза ҳамда қўйилган савол-лари атрофича кўриб чиқилиб, инобатга олинди. Хусусан, лойиҳада Ҳисоб палатасининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, принциплари ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатларига муайян аниқликлар киритилди.

3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Яйловлар тўғрисида

◄(Давоми. Бошланши 1-бетда).

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади;
яйловларни инвентаризациядан ўтказади;
яйловларни геоботаник жиҳатдан текширишни амалга оширади;
яйловларнинг мониторингини юритади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг яйловлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси:
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик экспертизасини ўтказади;
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат экологик назоратини амалга оширади;
яйловлардаги ўсимликлар ҳолатининг мониторингини ўтказишда иштирок этади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:
ўрмон фонди ерларида яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
яйловларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини белгилашда иштирок этади;
чорва молларини ўтлатиш учун участкалар берилишини таъминлайди;
ўрмон фонди ерларида яйловлар мониторингини ўтказишда иштирок этади.

11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилишига қўмақлашади;
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

12-модда. Яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмалари

Яйловлардан фойдаланувчилар яйловлардан биргаликда фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш учун яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмаларини тузиши мумкин.
Яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмалари яйловлардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга доир ишларни ташкил этади ҳамда яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

3-боб. Яйловлардан фойдаланиш

13-модда. Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқи

Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларини доимий эгаллик қилишга, ижарага, шунингдек вақтинча фойдаланишга олиш йўли билан яйловлардан фойдаланиши мумкин.
Яйловлар доимий эгаллик қилишга, ижарага ва вақтинча фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра берилиши мумкин.
Ўрмон фонди ерларида яйловлардан давлат ўрмон хўжалиги органларининг рухсатномаси бўйича фойдаланилади.

14-модда. Яйловлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Яйловлардан фойдаланувчилар:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларга мувофиқ чорва молларини ўтлатиш ва пичан ўриш;

яйлов инфратузилмасини барпо этишга доир ишларни амалга ошириш;

яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмасини тузиш ҳуқуқига эга.
Яйловлардан фойдаланувчилар:
яйловлардан уларнинг белгиланган мақсадига кўра оқилона фойдаланиши;

яйлов ўсимликларини такрор кўпайтиришга қўмақлашишга, ўсимлик қопламини тиклашга, шунингдек яйловларнинг таназзулга учрашига йўл қўймасликка доир чора-тадбирларни амалга ошириши;

яйловлар алмашинишини ташкил этиши ва унга риоя қилиши;
яйловларда ёнгинларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар кўриши, ёнгин ўчоқларининг ўз вақтида тугатилишини таъминлаши;

яйлов ўсимликлари зараркундаларига ва касалликларига қарши курашиш тадбирларини амалга ошириши;
яйловларни сақлаб қолишга қаратилган белгиланган қойдалар, нормалар ва нормативларга риоя этиши шарт.

15-модда. Яйловлардан фойдаланишга доир тадбирлар

Яйловлардан фойдаланишга доир тадбирлар яйловларни инвентаризациядан ўтказиш ва геоботаник жиҳатдан текшириш маълумотларидан келиб чиққан ҳолда тузилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

яйловлардан фойдаланувчиларнинг рўйхатини;
яйловларда ўтлатиш учун мўлжалланадиган чорва моллари рўйхатини;

ҳайвонлар касалликларини профилактика қилишни;
яйловларнинг чегаралари ва участкалари белгиланган харитани;

поданинг мавсумий ҳаракатланиш йўналишларининг календар жадвалини, яйловларнинг алмашиниши, чорва моллари ҳайдаб ўтиладиган жойлар ва фойдаланиладиган кўтонлар схемаларини;

яйлов инфратузилмаси объектларини ривожлантиришни, шу жумладан сувлоқларни тиклашни;
яйлов участкаларининг ҳолати ва сифатини яхшилашни, ўт-ўланлар таназзулга учрашининг олдини олишни.

16-модда. Яйловлардан фойдаланиш нормалари ва муддатлари

Чорва молларини ўтлатиш ва пичан ўриш яйловларнинг турига, шунингдек яйловнинг муайян участкасида ўтлатиладиган чорва молларининг тури ва сонига қараб тасдиқланадиган яйловлардан фойдаланиш нормалари ҳамда муддатларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Яйловлардан фойдаланиш нормалари ва муддатлари яйловларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда геоботаник жиҳатдан текшириш материаллари асосида белгиланади.

17-модда. Яйловларнинг алмашиниши

Яйловларнинг алмашиниши яйлов участкаларидан даврий равишда ва навбати билан фойдаланишдир.

Яйловларнинг алмашинишини таъминлаш учун яйловлар участкаларга ажратилади.

Яйловларнинг алмашиниш участкаларни майдонини белгилашда яйловлар участкаси учун энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаси инobatга олинади.

Яйловларнинг алмашиниши яйловлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун ташкил этилади.

18-модда. Яйловлардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Яйловлардан фойдаланганлик учун ҳақ ер солиғи ёки ижара ҳақи тарзида ундирилади.

19-модда. Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқининг тугатилиши

Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади:
юридик шахс тугатилганда;
жисмоний шахс вафот этганда;
яйловлар берилган муддат тугаганда;
бошқа мақсадда фойдаланилганда;
оқилона фойдаланилмаганда;
яйлов ерлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;

яйловлардан фойдаланишдан ихтиёрий равишда воз кечилганда.

20-модда. Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш

Таназзулга учраган яйловларни такрор кўпайтириш ва тиклаш, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ҳамда йўқолиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш мақсадида махус ваколатли давлат органлари томонидан яйловлардан фойдаланишга чекловлар ҳамда тақққлар белгиланади.

4-боб. Яйловларни муҳофаза қилиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш

21-модда. Яйловларни муҳофаза қилиш

Яйловларни муҳофаза қилиш яйловлардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланишга, уларни такрор кўпайтиришга ва тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва бошқа тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Яйловларни муҳофаза қилиш:
яйловлардан фойдаланиш, уларни такрор кўпайтириш ва тиклаш қоидалари, нормалари ҳамда нормативларини белгилаш;
яйловлардан фойдаланишга чекловлар ва тақққлар белгилаш;
яйловлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишининг, ўсимликларни пайхон қилишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

яйловларни инвентаризациядан ўтказиш;
яйловларнинг геоботаник жиҳатдан текширилишини амалга ошириш;

яйловларнинг мониторингини юритиш;
яйловлардан фойдаланиш, уларни такрор кўпайтириш ва тиклаш устидан назоратни амалга ошириш йўли билан таъминланади.

22-модда. Яйловларни такрор кўпайтириш ва тиклаш

Яйловларни такрор кўпайтириш ва тиклаш яйловларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда геоботаник жиҳатдан текшириш асосида амалга оширилади.

Яйловларни такрор кўпайтиришга доир тадбирлар тупроқ унумдорлигини, яйловлардаги ўсимликлар қопламининг микдорий ва сифат ҳолатини сақлаб туришининг табиий жараёнларига қўмақлашишдан иборатдир.

Яйловлардаги тиклаш тадбирлари ўсимликларнинг муайян турларини экишни кўйлаш йўли билан амалга оширилади. Бунда табиий яйловларда ўсимликларнинг бегона турларини экиш тақққланади.

23-модда. Яйловларни инвентаризациядан ўтказиш

Яйловларни инвентаризациядан ўтказиш яйловлар ҳолатининг микдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга ҳамда картографик ва бошқа материалларда яйловларнинг ҳолатини тасвирлашга (акс эттиришга) доир ишлар мажмуидан иборатдир.

Инвентаризация жараёнида сифат ҳолати яхшиланиши талаб этиладиган ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлган таназзулга учраган яйлов участкалари, шунингдек сув билан таъминланмаган яйловлар аниқланади.
Яйловларни инвентаризациядан ўтказиш материалларидан яйловларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини белгилаш учун фойдаланилади.

24-модда. Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш

Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш яйловларнинг махсусдорлигини, ўт-ўланларнинг тузилиши ва таркибини, уларнинг униб чиқиш жойларини, яйловлардан чорва молларини ўтлатиш учун фойдаланиш имкониетини, яйловлардаги ўсимликларнинг сифати ва захираларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширувдир.

Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш материалларидан:

ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда;
ақратилган участкада ерни, ўсувчи ўтларнинг озуқабоплик хусусиятларини кадастр жиҳатдан баҳолашда;
яйловлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилишини ўз ичига оладиган яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЗАРГАРЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА

◄(Давоми. Бошланши 1-бетда).

устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахслар, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар **ишлаб чиқаришда қиммат-баҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш тартибини мустақил равишда белгилайди**лар;

жисмоний шахсларга **қиймати 5 000 (беш минг) АҚШ долларидан ортиқ бўлган тайёр заргарлик буюмларини йўловчи божхона декларациясини тўлдорган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга рўхсат берилади**;

заргарлик буюмларининг чакана савдоси айрим турдаги товарлар билан **чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим объекти ҳисобланмайди**;

тадбиркорлик субъектлари олтин изловчилик фаолияти доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларни таъминлаш учун **қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни казиб олиши мумкин**;

заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасида ихтиёрий асосда ягона ташкилотга бирлашиш орқали иштирок этган тақдирда, **уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбурият-лар, шунингдек, уюшма аъзоларининг имтиёз ва преференциялари татбиқ этилади**.

2. Тижорат банклари ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

“Навоий КМК” ДК ва “Олмалик КМК” АЖдан қимматбаҳо металларни (олтин ва кумуш) ўлчов пластиналари кўрини-шида, шунингдек, 5 грамм ва ундан ортиқ бўлган оғирликда-ги грануларни (қимматбаҳо металллар соф оғирлигига қайта ҳисоблаганда) Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг тонгги фискинги асосида миллий валютада сотиб олиш;

сотиб олинган қимматбаҳо металларни бошқа заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларига сотиш.

“Ўзстандарт” агентлиги “Ўзбекзаргарсаноати” уюшма-си, “Навоий КМК” ДК ва “Олмалик КМК” АЖ билан бирга-ликда бир ой муддатда мазкур бандни амалга ошириш им-кониятини таъминлашни инobatга олган ҳолда **Қимматбаҳо металллар (олтин ва кумуш) ўлчов пластиналари ҳамда гранулаларининг давлат стандартини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. 2019 йил 1 июндан бошлаб **қимматбаҳо металларни сотиб олиш учун берилган миллий валютадаги тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини**

яйловларнинг геоботаник хариталарини тузишда;
ерларни рекултивация, консервация қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда, ердан фойдаланишга доир чекловлар белгилашда, яйловларни такрор кўпайтириш, тиклаш, муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказишда, шунингдек яйловлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

25-модда. Яйловлар мониторинги

Яйловлар мониторинги яйловлар тўғрисидаги миқдорий ва сифатга доир маълумотлар ҳақида ахборот тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш, салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида яйловларнинг ҳолати, яйловлардан фойдаланиш натижасида юзага келаётган ўзгаришлар юзасидан кузатувлар тизимидир.

Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш ва инвентаризациядан ўтказиш йўли билан олинган тизимли қузатиш маълумотлари мониторингнинг асосидир.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича яйловларнинг ҳолати тўғрисидаги мониторинг маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг веб-сайтида вақти-вақти билан жойлаштириб борилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

26-модда. Яйловларга етказилган зараринг ўрнини қоплаш

Юридик ва жисмоний шахслар яйловларни ифлослантирганлик, улардан оқилона фойдаланмаганлик, ифлоснинг таназзулга учраганлиги ва яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

27-модда. Низоларни ҳал этиш

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хал этилади.

28-модда. Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор юридик ва жисмоний шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

30-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқумат қорорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 20 май
№ УРҚ—538

муомаласига йўл қўймаслик учун жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

заргарлик тармоғи мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказларини ташкил этиш;

маҳаллий заргарлик брендларини илгари суришга, шу жумладан, мамлакатимизда ва хорижда заргарлик кўرғазмалари ва ярмарчаларини ташкил этиш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг шундай тадбирларда кенг иштирокини таъминлаш орқали қўмақлашиш;

ўзини ўзи молиялаштириш шартларида, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган қимматбаҳо металллар ва заргарлик буюмларини таҳлил қилиш ва асиллик даражасини назорат қилиш шохобчаларини (минилабораторияларни) ташкил этиш;

заргарлик тармоғидаги хорижий маслаҳатчилар ва экспертлари жалб қилиш, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасининг аъзолари ва ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

“Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, унинг ходимларини иш ҳақи билан таъминлаш.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (кейинги ўринларда — Асиллик даражасини белгилаш палатаси) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Асиллик даражасини белгилаш палатасининг фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳуқумат қарорини қабул қилсин.

13. Тадбиркорлик субъектларига ваколатли давлат органи томонидан берилладиган **лицензия асосида аффинаж фаолияти билан шуғулланиш**, шу жумладан, қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

қимматбаҳо металлларни сотиб олиш ва сотиш учун биржа савдоларида иштирок этиш;

аҳолидан қимматбаҳо металлларни, шу жумладан, олтин изловчилар усулида казиб олинган қимматбаҳо металлларни, заргарлик буюмларини, уларни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган парчалар ва чиқиндиларни сотиб олиш;

қимматбаҳо металларни сотиб олиш ва сотиш шохобчаларини, шу жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида очиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда аффинаж фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқласин.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЗАРГАРЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

14. Белгилансинки, давлат даромадига қаратилган қимматбаҳо металлларнинг парчалари ҳамда қимматбаҳо металллар, ярим қимматбаҳо ва қимматбаҳо тошлар ҳамда марвариддан ясалган буюмлар кўринишидаги бойликлар, эгасиз бойликлар, хазиналар, шунингдек, мулкдорлар томонидан давлат даромадига бепул топширилган бойликлар (археологик ва музей буюмлари ёки музей коллекциялари ҳамда маданий қимматга эга бўлган буюмлар бундан мустасно) заргарлик тармоғининг маънафатдор қатнашчиларига олдидан тўлиқ ҳақ тўлаш шарти билан қўйидаги тартибда сотилади:

қимматбаҳо металллар — тўлов ҳисоби ёзилган санадаги Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг эрталабки фиксинг нархи ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича;

ярим қимматбаҳо ва қимматбаҳо тошлар ҳамда марварид — тегишли харажатлар харидорлар томонидан қопланган ҳолда, баҳолаш тажрибали томонидан белгиланган тартибда амалга оширилган баҳолаш асосида.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасининг биуртманомалари асосида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат техника университетига “Заргарлик буюмлари дизайни” йўналиши бўйича алоҳида гуруҳларни ташкил этган ҳолда заргарлик тармоғи учун кадрлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежларида заргарлик тармоғи мутахассислари тайёрлашнинг таъминласин.

16. 2020 йилдан бошлаб хорижий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хорижий инвесторлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда “UzbekJewelleryFair” заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг йиллик халқаро кўргазма-савдосини ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

“Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда ташкил этиладиган кўргазмаларда юридик шахслар ва яққа тартибдаги тadbиркорлар томонидан заргарлик буюмлари сотилишининг соддалаштирилган тартибини назарда тутган ҳолда бир ой муддатда кўргазма-савдонни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳужжат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Давлат солиқ қўмитаси Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қўйидагиларни қўллаган ҳолда асиллик даражасини белгилаш ва тамгаланиш белгиланган тартибини бузган ҳолда, шунингдек, кирим қилинмаган заргарлик буюмларини сотганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганда — заргарлик буюмининг мусодара қилмаган ҳолда унинг қийматининг 50 фоизи миқдорида жарима солиш кўринишидаги молиявий жазо;

ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такроран содир этилганда — заргарлик буюмининг мусодара қилиш ёки унинг қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима солиш кўринишидаги молиявий жазо.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тўғридан-тўғри амал қилувчи “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қайта ишланишини таъминласин ва унда қўйидагиларни назарда тутсин:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш; заргарлик буюмлари асиллик даражасини белгилаш ва тамгалаш тизимини, шунингдек, уларнинг сифатини назорат қилиш тартиб-таомилларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаган ҳолда такомиллаштириш; қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги давлат

органлари ва бошқа иштирокчиларнинг ваколатлари ва жавобгарлик соҳасини аниқ чегаралаш;

тармоққа инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шартнош яратиш ва рақобат мўҳитини яхшилаш.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жинойатларга қарши курашиш департаменти, Давлат божхона қўмитаси, Асиллик даражасини белгилаш палатаси, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси ва бошқа маънафатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда заргарлик буюмлари ноқонуний муомаласига чек қўйиш, шу жумладан, тегишли тарзда тамгаланмаган ва асиллик даражаси белгиленган қалбаки буюмларнинг чакана савдода сотилишига йўл қўймастик бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг комплекс режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

20. “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда заргарлик тармоғида яратилган қулай имкониятлар, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мазмуни тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб брсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

икки ой муддатда олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун республикада мавжуд бўлган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларнинг конларини хатловдан ўтказсин;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ишлаб чиқариш йиллик дастури доирасида заргарлик ва бадий товарларнинг саноат эҳтиёжлари учун ароқилигини ҳисобга олган ҳолда қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни разведка қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширсин.

22. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганиш асосида икки ой муддатда республикада металллар билан боғлиқ битимларни тузишга иxtисослашган товар биржасини ташкил этишга доир таклифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда Марказий банк хузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг заргарлик тармоғини тартибга солиш бўйича айрим функциялари ва ваколатлари Асиллик даражасини белгилаш палатасига берилганлигини инобатга олиб, мазкур агентлиkning фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Марказий Банк, Молия вазирлиги, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси ва маънафатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 18 май

ҲУКУМАТ ДАВЛАТ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛАРГА ИЛК БОР ҲИСОБОТ БЕРДИ



Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат дастурининг бажарилишида бир қатор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги Фармони билан белгиланган устувор йўналишларни сифати, самарали амалга ошириш, ҳисобот даврида макрокотисодий барқарорлик ва иқтисодий-ижтимоий соҳанинг бардам ривожланишини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, жозибадор инвестиция мўҳитини яратиш, республика ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини юксалтириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни қўришга устувор аҳамият берилди.

Шу давр ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва харажатлари ҳамда бюджет тақчиллиги мўтадиллигини таъминлаш катта аҳамият касб этди. Мамлакатда амалга оширилган изчил ташқи савдо сиёсати тўғрисидаги экспорт ҳажми ҳамда жами ташқи савдо айланмасининг ортшишига эришилди.

Республикада яратилган қулай инвестиция мўҳити натижада инвестицияларнинг ўзлаштирилиши жадаллаштирилди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурининг алоҳида аҳамияти бор. Хорижий инвестициялар иштирокида молиялаштиришнинг сезиларли ўсиши таъминланиб, ўтган йилнинг шу давридаги янги инвестицияларнинг ҳажми 3 баробарини ташкил этди.

Амалга оширилётган бунёдкорликлар орасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, уй-жой, ичимлик сув билан таъминлаш ишлари алоҳида аҳамият касб этиб, сезиларли ўсиш кузатишмоқда.

Ўтган даврда Ҳукумат фаолиятида ижтимоий масалалар билан шуғулланиш устуворлиги таъминланиб, аҳолининг бандлиги, соғлиғини сақлаш, таълим тизимини такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор берилди. Шу ўринда “Хар бир оила — тadbиркор”, “Ёшлар — келажикимиз”, деҳқон ва шахсий томорқа ҳўжаликларини ривожлантиришга доир дастурлар асосида иш ўринларини яратиш жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида амалга оширилётган яратувчанлик ишлари натижада замонавий қишлоқларда (жами 478 та) 312 минг 549 наҳондан қурилиб, 1,7 миллион нафар аҳолининг, шаҳарлардаги маҳаллаларда эса 496 минг аҳолининг яшаш шартнош яхшиланди. Буларнинг барчаси бир максадга — мамлакат тарақиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи депутатлар томонидан ҳар томонлама, чўқур таҳлил қилинди. Парламент вакил-

лари, авваламбор, Давлат дастурида белгиланган, ўтган даврда ишлаб чиқилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг Олий Мажлиси қўйи палатасига ўз вақтида киритилиши ҳамда мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан боғлиқ масалалар ечимига алоҳида аҳамият қаратилди. Давлат дастурининг ижроси устидан амалга оширилляётган назоратнинг янада тасйирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, бунда парламент назоратининг барча шаклидан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳукумат ҳисоботи юзасидан ҳар бир фракцияси партия фракцияси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ўз нуктаи назарини баён қилди. Ҳукуматнинг аҳолининг таъминоти, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида ва ижтимоий ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. Депутатнинг қайд этишича, парламентда қизгин муҳокама қилинган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун жажон бозорларига интеграциялаштириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича божхона маъмуриятчилигини янада либераллаштириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатда инвестиция мўҳитини яхшилаш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олди. Шу жиҳатлари билан у партиянинг марказдаги ва жойлардаги вакиллари, тadbиркорлар, фермерлар томонидан айни кўтилган ҳужжат бўлди.

Ўзбекистоннинг халқаро евро облигацияларини илк бора Лондон биржасида жойлаштириш орқали мамлакатимизнинг халқаро молиявий бозорга кириб бориши, халқаро евро облигацияларнинг мазкур биржада жойлаштирилиши мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар



билан жажон молия бозорларида соғлом рақобат қилиш имкониятини яратди. Шунингдек, Президентимиз қарори билан қўчмас мулкнинг ҳуқуқий асослари, кадастр ҳисобини юритиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тadbиркорлик субъектларига ноқонуний аралашувлар бекор қилингани боис, тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш босқичида “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида мамлакатимиз рейтингни кўтарилди.

29 мингдан ортиқ кичик бизнес корхоналарини умумий ўрнатилган шаклда қўлиқча ўтказиш ишлари мывофиқлаштирилиши натижада “яширин иқтисодиёт” ҳажми сезиларли қисқартирилиб, ҳудудларда бюджет тушумлари ошишига салмоқли замин яратилди. Йил бошидан 32 та саноат объекти ва ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилши натижада эса 1806 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ўтган даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция мўҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиши даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилган тadbиркорликнинг ривожлантириш, давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий ҳўкмийат органларидаги мавжуд бюрократик тўсиқ ва субъектив омиларни бартараф этиш юзасидан Ҳукумат алоҳида кўрсатмадан иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиб, қатъий назоратни амалга ошириши лозимлиги, зарур ҳолларда депутатлар билан бу соҳада фол ҳамкорлигини йўлга қўйиш кераклигини билдирди ўтдилар.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Шўҳрат Бафавев йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда ва ижтимоий ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. Депутатнинг қайд этишича, парламентда қизгин муҳокама қилинган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун жажон бозорларига интеграциялаштириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича божхона маъмуриятчилигини янада либераллаштириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатда инвестиция мўҳитини яхшилаш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олди. Шу жиҳатлари билан у партиянинг марказдаги ва жойлардаги вакиллари, тadbиркорлар, фермерлар томонидан айни кўтилган ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон “Миллий тиклиши” демократик партияси фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев Ҳукумат ҳисоботида таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризмни янада ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, диний бағри-кенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида белгиланган чора-тadbирларнинг ижро этилиши холатига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Албатта, бу борада таҳсинга сазовор амалий ишлар қилинган. Аммо Давлат

дастурининг биринчи чорақдаги ижроси борасида айрим камчиликлар ҳам кўзга аққол ташланади. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асосларини такомиллаштиришга оид биргина норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани боис, ушбу масалага тааллуқли барча вазифалар тўлиқ бажарилган, деб маълумот тақдим этилган. Ваҳолонки, айни максадни қўзлаган биргина Низомнинг қабул қилингани билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асослари тўлиқ такомиллаштирилди, деб ҳулоса қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, республика музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, унинг яқини бўйича ҳар бир музей каталогини яратиш назарда тутилган, бироқ ҳозирги кунга қадар ушбу вазифа ижроси охирига етказилмаган.

Шундан келиб чиқиб, Давлат дастурининг ижро этилиши холати юзасидан Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботини айтиш институтидан илк бора фойдаланилаётганин инобатга олиб, келгуси ҳисоботлар тақдим этилгунга қадар материаллар ва маълумотларни янада такомиллаштириш ҳамда унинг ижроси белгиланган муддатда сифатли бажарилишини қатъий назоратга олиш таклифи билдирилди.

Шунингдек, аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, хотин-қизларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш максадига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш ташаббус йўналиши бўйича ишлар жараёнида қўрилади.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев сўз олар экан, фракция аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллаган ҳолда, келгусида Ҳукумат томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган бир қатор таклиф ва тавсияларни билдирди. Таъкидлаш лозимики, давлат аҳамиятига молик масалаларни бугунги кунда халқ билан бевосита муҳокама қилиш, ҳар бир масалада халқнинг фикрини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ушбу жараёнинг сиёсий аҳамияти шундаки, халқимиз ўз вакиллари, яъни депутатлар орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини кузатиш, назорат қилиб боради.

Барча отуқлар ўзимизники эканлигини билиб, масалага танқидий нуктаи назардан ёндашсак, қўриляётган масалаларнинг туб моҳиятига эътибор қаратсак,

айрим вазифаларнинг бажарилмаслиги ёки кечиктириб бажарилиши, қарор ўрнига чора-тadbир лойиҳаси тайёрланмади, ижроси қўғозда қолляётгани, жойларда дастурда белгиланган вазифаларга совуққонлик билан қаралаётганини кўрамиз.

Давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифа, унинг ижроси одамларни рози қилишдан иборатдир.

Шу нуктаи назардан қараганда, аҳолининг арзон уй-жойларга бўлган талаби қўриғилигини инобатга олиб, қўшимча равишда уй-жойлар қуриш чора-тadbирларини белгилаш, оғир турмуш шароитида ашаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш маънавий дастури ижросини амалда тўлақонли ва сифатли ижро қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи теледастурларда икки йилги лаҳзалар асосида қиёбасиб кўрсатилди. Ҳамма учун ёпик Хонобод шариати бугун дунёга, халқига очилиб намоён бўляётгани ҳам раҳбар ишларига баҳо беришнинг индикатори, ўзига яраша тарозисидир.

Фракциямиз аъзолари келгусида Ҳукумат ҳисоботларидан ана шундай ижобий мисоллар кўп бўлишига умид қилади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Абдуғани Умиров: — Фракциямиз аъзолари фикрига кўра, тақдим қилинган ҳисоботда мамлакатда амалга оширилляётган ишлар, эришилган энг муҳим кўрсаткичлар кенг ёритиб берилган. Шу билан биргаликда, келгусида тақдим қилинадиган ҳисоботларда Давлат дастури ижро мuddатлари “йил давомида” деб белгиланган вазифалар ижросининг аниқ мuddатларини киритиш максадига мывофиқ бўларди.

Шунингдек, “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий йўналишларидан бўлган тиббиёт соҳасида амалга оширилляётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини тўздан ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, соҳага доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, соҳага Давлат бюджетидан ажратилётган маблағлар ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Бунда асосий эътиборни қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ оилавий поликлиникалари фаолиятини яхшилаш орқали бирамчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга қаратилляётгани аҳамиятлидир.

Бугунги кунда эса Президентимиз ташаббуси билан бевосита парламент де-



Ахборот ва маълумотлар алмашинуви соҳасида палатанинг давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари, унинг қонуний талабларини бажаришнинг мажбурийлиги ҳақидаги нормалари такомиллаштирилди.

Шунингдек, палата фаолиятининг ташкил қилиниши билан боғлиқ қондалар маорими етказилди. Лойиҳага норматив-ҳуқуқий атамаларнинг ягона шаклда, тўғри қўлланилиши, нормаларнинг содда-равон акс эттирилиши, адабий тил қондалари талабларига ҳамда юридик техника ва бошқа махсус қондаларга тўлиқ риоя этилишини таъминлаш борасида тегишли аниқлик киритилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ҳисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштиришга, бюджет тизими маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишнинг таъминлашга ҳамда давлат активларини бошқаришнинг оқилона ташкил этилишига хизмат қилади.

Мажлисида баҳс-мунозараларга бой бўлган масалалардан яна бири — “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди. Мазкур ҳужжатдан қўзланган асосий максад, омонатчиларнинг ҳамда банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва маънафатларини ҳисобга олган ҳолда, банкларнинг барқарорлиги, улар ўртасида соғлом рақобатни таъминлашдан иборат бўлиб, энг муҳими, омонатчиларни турли қўлланган таваккалчиликлардан ҳимоялаш орқали уларнинг банкларга бўлган ишонч даражасини оширишнинг назарда тулади. Шунингдек, банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим чораси сифатида қонун лойиҳаси билан банкларни рўйхатга олиш тартиби ва шартлари, шу жумладан, норезидентларнинг банк капи-

талидаги иштироки тартибга солинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, халқаро тажрибани инобатга олиб, қонун лойиҳаси билан бир банк бошқа молия институтини назорат қилувчи, юридик шахс бўлмаган молия институтларининг биришмаси — банк гуруҳи тушуначси киритилмоқда. Бу билан банкларнинг ўзаро масъулиятини ошириш, тизимли хатарларни камайитириш, шунингдек, банкларни консолидациялашган асосда назорат қилиш орқали Марказий банкнинг назорат функцияларини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг Президентимизнинг 2019 йил 12 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори 11-бандининг ижросини таъминлаш максадига ишлаб чиқилган бўлиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиаия институти жорий этилишини кўзда тулади.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ҳамда “Медиаия тўғрисида”ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиниши ижро иши юритиш жараёнида медиаия институтидан фойдаланиш тартиби ва шартларини, шунингдек, уни қўллаш оқибатларини қонун даражасида белгилашга ёрдам беради.

Мажлисида кўриб чиқилган яна бир масала — “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакл-

лантириш ва ижро этишининг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлиб, у “Фол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” Давлат дастурининг 7-бандида белгиланган парламент палаталари бюджетларининг янги механизмлари шакллантириш ва ижросига қаратилган вазифаларни бажариш максадига Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистонда қонунчилик ҳўкмийатининг молиявий мустақиллигини таъминлайдиган, шунингдек, ҳолис парламент назоратини таъминлашда асос бўладиган нормалар таклиф этилмоқда. Хусусан, кейинги йилдан бошлаб Олий Мажлис палаталарининг харажатлар сметасига Давлат бюджетидан алоҳида сатр билан маблағ ажратилишини белгилаш, смета харажатларини парламент палаталари Кенгашлари томонидан тасдиқлаш, шунингдек, парламентларо ва халқаро ҳамкорлик

«Барча сазъ-ҳаракатлар иқтисодиётни раванқ топтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган»



Авал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда Москва давлат халқаро муносабатлар институти (МДХМИ) битирувчиларнинг V халқаро форуми бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик ривожига қаратилган мулоқот

Анжуманда мазкур олий ўқув юртини тамомлаган ва айни пайтда турли юқори лавозимларда фаолият юритаётган давлат арбоблари, сийosatчилар, тadbirkorлар иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига йўллаган ташаккурларига ҳамда табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ўқиб эшиттирди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам Москва давлат халқаро муносабатлар институти ташкил этилганининг 75 йиллиги муносабати билан табрик йўллади. Уни МДХМИ ректори А. Торкунов ўқиб эшиттирди.

Кайд этилганидек, Ўзбекистон бежиз форумга мезбон сифатида танланмади. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан юритилган сийosat Ўзбекистоннинг дунё ҳамjamiyи билан турли соҳалардаги муносабатларига улкан имкониятлар эшигини очмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қатъий қўллаб-қувватлаганига мазкур форумни юксак даражада ташкил этишни тасаввур қилиб бўлмасди, — дейди Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси ўринбосари Ильяс Умаханов. — Ўзбекистон Россиянинг МДХМИдаги етакчи ҳамкорларидан бири саналади ва унинг бу мавқеи тобора ортб бораётган. Бундай ижобий ўсиш икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ.

— Ўзбекистон худди поғлаб турган юлдузга ўшайди, — дейди «BCG» раиси Владислав Бутенко. — Марказий Осиёнинг энг жadal ривожланаётган мамлаката сифатида Ўзбекистон улкан имкониятларга эга бўлмоқда. Қолаверса, бу ерда кечётган модернизация жараёни хориқликларни юртингизга инвестиция киритиш бўйича қизиқшишни оширатти.

Форумда Тошкентда очилган режалаштирилган МДХМИ филиали ёшларимиз билан даражасини янада юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти жамоаси «Народное слово» газетаси масъул ходими Нурлан Уктамович Усмоновга онаси

Амангул УСМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг собиқ ходими, фахрий журналист

Бахтиёр Ходжиевич МАНСУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилоятида

2019-2020 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури қуйидагиларни кўзда тутуди:

25 трлн. 181 млрд. сўмга тенг 908 та лойиҳани амалга ошириш;

1,7 млрд. долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш;

35 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш.



эришдик. Натижада қатор маҳаллалар намунали масканга айланган, оддалар учун муносиб турмуш шароити яратилди. Андижон шахрининг Мустақиллик маҳалласидаги барак типидagi йилларда истиқомат қилаётган аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида Хўжаобод туманидан 54 гектар ер майдони ажратилиб, Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласига барпо этилди. Бу ерда 1000 та арзон намунавий уй-жой, 2 та мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси, оилавий поликлиника, маданият маркази, қатор савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда 500 иш ўринли тикувчилик фабрикаси бунёд этилди.

учин Андижон шахрида 14 та кўп қаватли арзон уй ва кўплаб тижорат уйлари, қишлоқ жойларда 224 та намуналий уй-жой ва 56 та кўп қаватли арзон тураржой курилиши юзасидан кўрсатмалар берилди.

Андижон шахрининг Мустақиллик маҳалласида шох аҳволда яшаётган оилалар хали ҳам мавжуд. Уларни Хўжаобод туманида барпо этилаётган Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласига кўчириш ишлари давом этади. Натижада 5 минг 600 нафардан зиёд аҳоли баҳаво, қулай шароитларга эга бўлган янги тураржойга эга бўлди. Мустақиллик маҳалласи ўрнига Бобуршоҳ, Амир Темур ва Навоий шох-кўчаларининг кесишмасида эса «Andijon city» ишбилармонлик маркази барпо этилади.

Маълумки, Европа давлатларида таунхаус услубидаги массивларни барпо этиш одат тусига кирган. Андижон вилоятида аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш энг долзарб вазифа бўлгани сабабли ушбу услубдаги илк массивларини айнан шу худудда барпо этиш юзасидан вазифалар белгиланган. Келгусида 7,5 гектар ерда 108 та таунхаус уй, 9 та 5 хоналий ва яна шунча 3 хоналий якка тартибдаги тураржой, болалар боғчаси, савдо ва маиший хизмат шохобчалари курилади. Бу тураржой худудлари ўзининг сувни тозалаш, канализация ишооти, кичик электр станцияси, сув иситиш кўш электр станцияларига эга бўлади.

— Президентимизнинг бу галги таширфи замонавизга қандай вазифалар ва масъулият юклади?

— Шавкат Миромонович олиб борилган ишларга юқори баҳо бериш билан бир қаторда, навбатдаги вазифалар хусусида ҳам кўрсатмалар берди. Жумладан, ўтган йилги вилоят ялпи худудий маҳсулоти 12 фюз, инвестициялар 19 фюз ўсган бўлишига қарамай, вилоят саноатининг 80 фюзи Асака тумани ва Андижон шахри хиссасига тўғри келатгани таъкидланди. Бу эса бошқа туманларда саноат амалда ривожланмаган, аҳолининг аксарияти қисми ишсиз эканлигидан далolatдир. Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида вилоятда 2019-2020 йилларда амалга оширилган, қиймати 25 триллион 181 миллиард сўм бўлган 908 та лойиҳадан иборат инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар жами 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш ва 35 мингдан зиёд иш ўринлари яратишни таъминлайди. Бундан ташқари, тadbirkorлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган оилаларни аниқлаб, «Хар бир оила — тadbirkor» дастури доирасида 420 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланди.

— Андижон вилоятининг ўзига хос жиҳати аҳолининг юқори ўсиш суръати ва зичлигида. Шунини эътиборга олиб, мамлакатимиз раҳбари худуддаги муаммоларни бартараф этишда барча вазирлик ва идора-ларга тегишли топширқалар берди. Шулар ҳақида ҳам тўхталангиз.

— Дарҳақиқат, вилоятда 134 минг нафар аҳоли ишсиз, 283 минг нафари хорижга ишлашга кетган. Яъни жами 417 минг ёки иқтисодий фаол аҳолининг 30 фюзи учун иш ўринлари керак. Бугунги кунда вилоят аҳолиси 3 миллион киши

Саминжон ҲУСАНОВ, Самидхон ШУКУРОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Бугунги кунга келиб ушбу манзил нафақат Андижон вилояти, балки Фарғона водийсининг энг сўлим, баҳаво гўшаларидан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилги таширфи чоғида мактабгача таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, эртанимиз эгалари камолоти учун қилиниши лозим бўлган вазифаларни ҳам белгилан берган эди. Натижада 40 та мактабгача таълим муассасасида 97 миллиард сўмлик курилиш-таъмирлаш ишлари рўйбга чиқарилди. 168 та хусусий мактабгача таълим муассасаси ташкил этилди.

Вилоятдаги фойдаланилмай турган бинолар, шунингдек, давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида 11 та кичик саноат зонаси ташкил этилди. Ҳозирга кичик саноат зоналари худудидagi бино ва ер майдонларига 167 та тadbirkorлик субъекти жойлаштирилди. Ушбу худудларда 77 та лойиҳа ишга туширилган бўлиб, қолган 90 та лойиҳани амалиётга жорий қилиш бўйича жиддий чоралар кўрилмоқда. Бундан ташқари, хорижий ҳамкорлар иштирокидаги 4 та қўшма корхона фаолият кўрсата бошлагани ҳам иқтисодиётимиз юксалишига хизмат қилмоқда.

Ўтган йилги аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурида 24 минг 817 та ҳамда давлатимиз раҳбарининг вилоятга амалга оширган таширфи давомида берган топширқалари асосида ишлаб чиқилган қўшимча дастур бўйича 42 минг 530 та иш ўрни яратилди. Жорий йилда бу кўрсаткич 65 минг 500 та иш ўрнига кўтарилган.

Умуман олганда, саноат, курилиш, фармацевтика, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди. Барча макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш кузатилади.

— Андижон вилоятида энг катта муаммо аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласидир. Юртдошларимиз турмуш тарзини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қандай сазъ-ҳаракатлар олиб борилаяпти?

— Вилоятда бизни қийнаётган муаммолардан энг муҳими — аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи бўлса, яна бири жиноятчиликнинг олдини олишдир. Босици вилоятимиз ер майдони кичик, бироқ аҳолиси ўта зич худуд ҳисобланади. Шундай бўлса-да, «Обод қишлоқ» дастури доирасида танлаб олинган 50 та маҳаллада кенг қўламли курилиш, ободонлаштириш ишларини амалга оширишга

Амалга оширилган хайрли сазъ-ҳаракатлардан яна бири Андижон шахридаги «Ешлар маркази»нинг барпо этилишидир. Лойиҳа қиймати 11 миллиард сўм бўлган мазкур масканда 500 ўринли фаоллар, семинар ва конференция заллари, кутубхона, «Еш тadbirkorлар» коворкинг-маркази курилади. Бундан ташқари, «Соғлом авлод» стадиони, вилоят теннис мажмуаси замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди.

Шунингдек, Президентимиз Хонобод шахрида бўлган чоғида, ушбу худудни вилоятнинг сайёҳлик марказига айлантириш юзасидан фикр билдирганди. Шундан сўнг бу ерда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, республикада ягона «Хонобод» сийатгоҳи курилиши яқунлади, фойдаланишга топширилди. Мазкур худудда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилмоқда.

— Бу каби ижобий ишлар учун, энг аввало, иқтисодий соҳадаги истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш керак бўлади. Шу нуқтан назардан, соҳада олиб борилган ва эришилган ютуқлар билан ҳам таъриқлансангиз.

— Дарҳақиқат, вилоятда ўтган йили жами 27,1 триллион сўмлик ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот 8,9 миллиард сўмга тўғри келди. Шу вақт оралиғида 71 миллион АҚШ доллари микдоридagi хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Пировардида 22 та янги қўшма корхона ташкил этилиб, уларнинг сони 252 тага етди. Маҳаллий тadbirkorларни кўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топишлари учун олиб бо-

Жорий йилда Андижонда 14 та кўп қаватли арзон уй ва кўплаб тижорий асосдаги уйлар, қишлоқ жойларда 224 та намуналий уй-жой ва 56 та кўп қаватли арзон тураржой курилади.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Қиймати қарийб 4 миллион евро бўлган 20 та лойиҳа — амалда

Олий Мажлис Сенатида ЕХХТнинг амалдаги раиси, Словакия Республикаси ташқи ишлар ва Европа ишлари вазири Мирослав Лайчак билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда давлатларимиз ўртасида икки томонлама ҳамкорлик, парламентлараро алоқалар, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ўзаро муносабатлари ҳамда ЕХХТ Парламент асамблеяси доирасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Айниқса, мамлакатимиз ЕХХТ Панинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этиши муҳимлиги таъкидланди. Ҳозирги вақтда мазкур халқаро тузилмада юртимизнинг доимий делегацияси фаолият кўрсатмоқда. ЕХХТ ва унинг институтилари билан ҳам-

корлик кенг қўламдаги масалаларни қамраб олиши қайд этилди.

ЕХХТнинг республикамиздаги лойиҳалари ҳавфсизлик, барқарор иқтисодий-экологик ва ижтимоий тараққиёт соҳаларида техник кўмак беришга қаратилган. 2007 — 2017 йилларда умумий қиймати 12 млн. евродан зиёд 150 дан ортқ лойиҳалар амалга оширилди. Айни пайтда эса қиймати қарийб 4 млн. евро бўлган 20 та лойиҳа йўлга қўйилган.

Учрашув якунида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча сазъ-ҳаракатлар ишга солиниши айтиб ўтилди.

Ўзаро муносабатлар янада мустаҳкамланади

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси ўринбосари Ильяс Умаханов раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганини таъкидлади. Маълумки, 2018 йил ноябрда Ўзбекистон парламент делегацияси Россияга таширфи буюрган эди. Таширфи доирасида Олий Мажлис Сенати ва Россия Федерация-

си Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасидаги бичим имзоланган, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик бўйича комиссия мажлиси ўтказилган. Ҳозирги вақтда Сенат ва Федерация Кенгашининг икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан тadbirkorлик босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Россия парламенти аъзолари халқаро сийосий майдонда Ўзбекистоннинг фаолигини алоҳида қайд этди, давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга Ўзбекистон Президентининг кўшаётган хиссаси учун самимий миннатдорлик билдириб, буни юксак баҳоллади.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8784

«Жаҳон ҳамjamiyати Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда»

«Russia Today» телеканали

Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг Тошкентда очилган филиали Ўзбекистон олий мактаби тизимининг муҳим қисмига айланишига ишонч билдирди. Шу кунгача МДХМИ битирувчилардан тўрт юздан ортғи ўзбекистонликлар эканлигини эслатиб ўтаркан, телеканал мухбири бугун республикада олиб борилаётган очиқлик ва фаолият сийосати туфайли кўплаб ўзбекистонликлар ўз Ватанига қайтиб, унинг изчил тараққиётига хисса қўшаётганини таъкидлайди.

«ТАСС» ахборот агентлиги тарқатган мақолада 75 йиллик юбилей арафасида МДХМИ битирувчилари меҳмондўст Тошкент шахрида тўпланиб, уларнинг дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида халқаро кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашгани, ўқув муассасаси тараққиёти истиқболларини муҳокама қилгани, талабалик йиллари, дўстлари ва сеvimли устозлари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашгани ни-

ҳоятда қувонарли воқеа сифатида эътироф этилди. Журналистларнинг фикрича, юқори даражада ўтказилган Тошкент анжумани кўп томонлама гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Форум қатнашчилари Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида жойлашган мейморий ва маданият обидалар ҳамда ёдрогликларни бориб кўрдилар, деб ёзади «Regnum» ахборот агентлиги мухбири. Мамлакатнинг ўтмиши, маданияти ва сайёҳлик салоҳияти меҳмонларда илқ таассурот қолдирди. Бундан ташқари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига экспертлар учрашуви ўтказилди.

«Большая Азия» ахборот-таҳлилий портали шарҳловчиларининг фикрича, Ўзбекистонда бу каби халқаро тadbirkorлар ўтказилаётгани дунё ҳамjamiyатининг республикага бўлган ҳурмати ва эътибори намунасидир. Халқаро ҳамjamiyат мамлакатда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотларни, халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватламоқда.

«Коммерсантъ» газетаси МДХМИ битирувчиларининг V халқаро форуми

«Boston Consulting Group»нинг Ўзбекистон инвестициявий муҳити таҳлилларига бағишланган тақдиримиз ҳақида мақола чоп этди. Материалда 2016 — 2019 йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича минтақада етакчи давлатга айланиши мумкинлиги баъорат қилинади.

«2029 йилга қадар мамлакат 65 миллиард доллар микдорига бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш салоҳиятига эгадир, — деб ёзади газета мухбири «BCG» таҳлилларига таянган ҳолда. — Энг катта маблағлар ёқилиш-энергетика мажмуаси, кончилик, кимё саноати, агросаноат мажмуаси, тўқимачилик, курилиш, туризм, банк ва телекоммуникация тармоқларида кутиляётган». Ўзбекистоннинг устун жиҳатлари сифатида миллий иқтисодиётнинг қучли диверсификациялашгани (ҳеч қайси экспорт тармоғининг хиссаси 20 фюздан ошмайди) ҳамда тез суръатда ўсаётган ички бозор кўрсатиб ўтилади. Республикда кутиляётган банк соҳаси ислохоти инвесторларнинг интилишини янада оширишга хизмат қилади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

REGNUM
ИНТЕРНАЦИОНАЛЬНЫЕ АГЕНТСТВА

ТАСС

Коммерсантъ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.

Навбатчи — М. Каримова.

Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

Ташрифта келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарибмайлади.

Газетанинг нотиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрироти компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6